

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 17 август
сешанба
№ 33 (1289)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

Энг сўнгги хабарлар
Ҳуқуқий маълумотлар
Таҳлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар



ҚИЛМИШИ
ҚОРА КИМСАЛАР 7-БЕТ

КЛАСТЕРНИНГ БАҲОНАСИ
ЎТМАДИ 8-БЕТ

ВАЗИФА ЮКЛАТИЛГАН,
ИШ ҲАҚИ ЭСА ТЎЛАНМАГАН 8-БЕТ



ТЕЛЕФОН ЎҒРИСИ



НА ишининг, на ўқишининг тайини йўқ Бой-мирза (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўчада тентираб юриб, компьютер клубига кўзи тушиб қолди. Бошини шу клуб томонга бурди. Ичкарига кириб, бўш турган компьютер қаршисига келиб ўтирди. Бироз компьютерда уйин ўйнагандек бўлди-да, ёнида ўтирган Жонибекнинг стол устида турган қўл телефони-га кўзи тушиб, фикри бузилди. Ва ўзича шундай деб ўйлади: “Бекор ўйин ўйнагандан кўра, пул топишни ўйласангчи”...


7-БЕТ

“ШУНДАЙ АЯНЧЛИ ҲОЛГА КЕЛДИККИ, АЙРИМ РАҲБАРЛАР ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИГИ БИЛАН МАҚТАНАДИГАН БЎЛДИЛАР...”

...Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Албатта, бу бировларга ёқмайди. Халқ таълими вазири “бизда замонавий, ахборот технологиялари бор, журнал ҳам керак эмас, гезата ҳам керак эмас”. Мен кўп эшитяпман мулоқотларда. Бу нотўғри йўналиш. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Компьютернинг ҳам ўз ўрни бор, журналнинг ҳам ўрни бор, газетанинг ҳам ўрни бор. Бошқача йўлни тутиш ҳозирча мумкин эмас. Биз бунга тайёр эмасмиз...

Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳамма нарса бор деб. Йўқ, газетани ҳам, журналларни ҳам ўқиш керак, бу замон талаби...

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 1-октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган таътанали маросимдаги нутқидан)



4-5 БЕТ



“Ишонч телефони”га келиб
тушаётган мурожаатларга жавоблар

1008

6-БЕТ

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТДА Алишерлар кўп. Бу исм ўтмишининг ҳам, бугуннинг ҳам исми. Асло эскирмайдиган, ҳаммиша жаранглаб, алланечук жозиба ва навқиронлик уфуриб турадиган исм бу!

Ҳа, ҳаётда Алишерлар кўп. Бугунги бизнинг тарзи-русумимизга кўра компьютер нуқтасини бир босиб АЛИШЕРга излов берсангиз, ҳамма тармоқлардан сон-минг нафар Алишер чиқиб келади. Яратган Эгам уларнинг ҳар бирининг пешонасига ўз қисмати-ни ёзиб қўйган, албатта. Уларнинг ҳар бири ўз саъй-ҳаракати, интилиши, нияти, руҳий олами, илму салоҳияти эвазига тақдирнинг турфа баҳолари билан сийланган.

3-БЕТ

ДИЛИ ва ТИЛИ бир одам

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Алишер МАРДИЕВ ҳақида



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА-
СИНИНГ “Транспорт тўғрисида”-
ги Қонунига кўра, автомобиль,
ҳаво, темир йўл, сув, электр
транспорти, метрополитен ва
транспорт инфратузилмаси
объектлари Ўзбекистоннинг яго-
на транспорт тизимини ташкил
этади.

Давлат органлари ва мансаб-
дор шахслар транспорт ташки-
лотларининг ҳўжалик фаолияти-
га аралашшга ҳамда уларнинг
ҳодимларини бошқа ишларга
жалб этишга ҳақли эмаслиги
белгиланди.

Қонунга кўра, транспорт воси-
талари мувофиқлик ёки транс-
порт воситаси турини маъқул-
лаш сертификати эга бўлиши
ва рўйхатдан ўтказилиши керак.

Давлат чегараси орқали
ўтказиш пунктларида юкларни
транзит олиб ўтиш чоғида тран-
зит юклар ва ҳужжатлар иденти-
фикация қилиниши кўрсатилди.

Қонунга кўра, Ўзбекистонда
товарлар ва транспорт восита-
ларига нисбатан бажариладиган
операциялардан келиб чиққан
ҳолда халқаро ва ҳудудий
транспорт-логистика марказлари
ташкил этилиши мумкин.

Шунингдек, Транспорт-логис-
тика марказлари уларга ҳар
қандай турдаги транспортда
қилиб келаётган ҳамда олиб
чиқилаётган юкларни омборга
жойлаштириш, сақлаш, уларга
ишлов бериш, қайта ишлаш,
қадоқлаш ва тақсимлаш бўйича
хизматлар кўрсатади.

Ваколатли органлар вокзал-
да, аэровокзалда, аэропортда,
метрополитенда ва автостан-
цияга кириш жойида транспорт
воситасини, багажни, юк бага-
жини ва юкни, йўловчиларни
ва бошқа шахсларни кўздан
кечиришдан ўтказиши мумкин.

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИ ИНСТИТУТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ



“Бола ҳуқуқларининг кафо-
латларини таъминлаш тизи-
мини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
Президент Фармонида кўра:

- Олий Мажлисининг Бола
ҳуқуқлари бўйича вакили
(Болалар омбудсмани) инс-
титуту таъсис этилди;
- Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) ўринбосари —
Бола ҳуқуқлари бўйича вакил
лавозими тугатилди.

Болалар омбудсмани ваколат-
ларини мустақил амалга ошира-
ди, фаолиятида Олий Мажлис
палаталарига ҳисобдорлиги,
шунингдек, Қонунчилик палатаси
ва Сенат томонидан беш йил
муддатга сайланиши белгиланди.

Шу билан бирга, Болалар
омбудсмани лавозимига номзод
Олий Мажлис палаталари кўриб
чиқиши учун Президент томони-
дан киритилади.

Фармонга кўра, Вояга етма-
ганлар ишлари бўйича респуб-
лика идоралараро комиссияси
Болалар масалалари бўйича
миллий комиссия этиб қайта
ташкил қилинди.

Шунингдек, 2021 йил
1 сентябрдан Вазирлар Маҳка-
масининг Таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари котибияти

таркиби-
да

Болаларни ҳимоя қилиш маса-
лалари шуъбаси, Қорақалпоғис-
тон Республикаси Вазирлар
Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар ҳокимликларида бола-
ларни ҳимоя қилиш масалала-
ри котибияти, туман (шаҳар)
ҳокимликларида болаларни
ҳимоя қилиш шуъбалари ташкил
этилиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси шуъ-
баси ва Вазирлар Маҳкамаси
котибиятининг ҳудудий тузилма-
ларига ишга биринчи навбатда
“психология”, “юриспруденция”
ва “ижтимоий иш” соҳалари
бўйича олий маълумотга эга
фуқаролар қабул қилинади.

“МЕҲР ДАФТАРИ”

Президентимизнинг “Етим
болалар ва ота-она қарамоғидан
махрум бўлган болаларни тар-
биялашнинг тубдан янгиланган
tizimini жорий этиш чора-тад-
бирлари тўғрисида”ги Қарорига
кўра, “Меҳрибонлик” уйлари,
Болалар шаҳарчалари, оилавий
болалар уйлари ва Соғлиқни
сақлаш вазирлиги тизимининг
Болалар уйлари (ўқув-тарбия
муассасалари) Миллий гвардия-
га бириктирилди.




Миллий гвардия таркибида
ўқув-тарбия муассасаларида
ёшларнинг таълим ва тарбия
олиш жараёнларини ҳамда
уларнинг бўш вақтини самарали
ташкил этишга масъул Миллий
гвардия кўмондонининг ўринбо-
сари лавозими жорий этилди.

Қарорга кўра, Оилавий бола-
лар уйлари ва Болалар уйлари-
га ҳамда васийликка, ҳомийликка
ёки оилага тарбияга олинган (пат-
ронат) етим болаларга (25 ёшга
тўлмаган) Миллий гвардиянинг
ҳарбий хизматчи ва ҳодимлари
бириктирилиши белгиланди.

Бириктирилган ҳарбий
хизматчи ва ҳодимлар
етим болалар
ва ота-она
қарамоғидан
махрум бўлган
болаларнинг
таълим-тарбия
олиш аҳволи-
ни ва маиший
шарт-шароитла-
рини ўрганади.

Шунингдек, 2022 йил
1 январга қадар Жамоат
хавфсизлиги универ-
ситетида ўқув-тарбия
муассасалари тарбиячи-
ларининг малакасини ошириш
ва қайта тайёрлаш
йўлга қўйилади.

2021 йил
1 ноябрдан



“Меҳр дафтари”га киритил-
ган етим болалар ва ота-она
қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларни қўллаб-қувватлаш
жамғармалари ташкил этилиши
белгиланди.

Шунингдек, ҳар йили
25 нафар ўқув-тарбия муассаса-
лари тарбиячилари Ўзбекистон
касаба уюшмалари федерация-
си тизимидаги санаторийларда
бепул даволанади.



“AZIZ-AYOL.UZ” ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ МИЛЛИЙ ПЛАТФОРМАСИ

Ҳукумат қарори билан
“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив
миллий платформаси доирасида
давлат органлари ва ташки-
лотларининг ўзаро электрон
ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги
Низом тасдиқланди.

Низом билан “Aziz-ayol.uz”
ягона интерактив миллий плат-
формасининг асосий вазифала-
ри белгиланди.


Миллий платформа орқали,
вазирлик ва идоралардан хо-
тин-қизлар билан боғлиқ маълу-
мотлар тезкор йиғилиши ва реал
вақт режимида таҳлил қилиниши
таъминланиши белгиланди.

Шунингдек, “Аёллар дафта-
ри”га киритилган хотин-қизларни
касб-хўнарга ўргатиш, уларнинг
бандлигини таъминлаш, тад-
биркорликка жалб этишга ёрдам
берилиши кўрсатилди.

Хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқла-
ри таъминланиши бўйича
муружаат қилишлари учун ягона
қулайликлар яратилиши белги-
ланди.

Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш вазирлиги Мил-
лий платформанинг узлуксиз
фаолият кўрсатишини таъмин-
лаши кўрсатилди.

Шунингдек, Қарорга кўра
“1146” қисқа рақамли “Ишонч
телефони”га тазйиқ ва зўравон-
ликдан жабр кўрган хотин-қизлар
билан мулоқот қилиш ва шо-
шилиш руҳий, психотерапев-
тик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш,
маслаҳат бериш ва ахборот
тақдим этиш масалалари бўйича
келиб тушган муружаатларга
24 соат ичида тезкор муносабат
билдириш амалиёти йўлга қўйи-
лиши белгиланди.



“ОҒИР” МАҲАЛЛАЛАРГА КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг
2021 йил 9 августдаги 504-сонли
қарори билан “Ривожланишда
орқада қолаётган ҳамда ишсиз-
лик даражаси нисбатан юқори
бўлган маҳаллаларда аҳоли
бандлигини таъминлаш орқали
оилаларнинг даромад манбаини
яратиш тартиби тўғрисида”ги
Низом тасдиқланди. Унга кўра,
туман ва шаҳар сектор раҳбар-
лари томонидан “оғир” маҳалла-
лар белгиланади.

Маҳаллаларда тадбиркорлик-
ни ривожлантириш учун “ўсиш
нуқталари” аниқланиб, ҳар бир
тадбиркорлик йўналишига “етақ-
чи” тадбиркорлар бириктирили-
ши белгиланди.

“Оғир” маҳаллаларга бирикти-
рилган “етақчи” тадбиркорларга
3 йил муддатгача йиллик
10 фоиз ставкада маҳалла учун
2 миллиард сўмгача кредитлар
кооперация асосида ажратили-
ши кўрсатилди.

Ҳар бир “оғир” маҳаллага
ажратилган 2 миллиард сўм
маблағларнинг 10 фоизгача
бўлган қисми уларнинг тегишли
ихтисослашув йўналишларида
биттадан намуна ва ўртак кўр-
сатадиган тадбиркорлик лойи-
ҳаларини амалга ошириш учун
йўналтирилиши белгиланди.

“Етақчи” тадбиркорларга
кооперация асосида ишлаётган
фуқаро томонидан ишлаб чиқа-
рилаётган (етиштирилаётган)
маҳсулотларни сотиб олиш ёки
шартномага асосан фуқарога
ойлик иш ҳақи тўлаш шарти
ўрнатилади.

Кредитлар сектор раҳбарлари
томонидан “оғир” маҳаллада
тадбиркорликни ҳамда иқтисод-
дий кооперацияни ривожлан-
тириш бўйича “йўл хариталар”
ва дастурлар “Оилавий тадбир-
корликни қўллаб-қувватлаш”
марказида ҳимоя қилиниб, ижо-
бий ҳулосаси олингандан сўнг
берилиши кўрсатилди.

Қарорга кўра, шунингдек,
“Агробанк” акциядорлик тижорат
банки томонидан кичик ва оила-
вий тадбиркорлик субъектларига
майдони 10 сотихдан 50 сотихга-
ча бўлган замонавий иссиқхона-
лар барпо этиш учун Марказий
банкнинг асосий ставкасида
7 йил муддатгача кредитлар
ажратилиши белгиланди.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази масъул
ҳодими



Давоми. Бошланиши 1-бетда

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ОДАМ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист **Алишер МАРДИЕВ** ҳақида

Ҳаётда Алишерлар кўп, ўтмишда ҳам, бугун ҳам Алишерларнинг иззати-ю ҳурмати зиёдалари бор. Даҳо Алишерлар, бой-бадавлат, сахий Алишерлар, элу юрт равнақи йўлида тер тўкиб ишлаган зиёли-раҳбар Алишерлар, ёш бўлса-да, Ватан олдидаги масъуллиги улкан Алишерлар...

Биз бугун ана шундай Алишерлардан бири, зиёли раҳбар, камтар, элнинг танти-марди — Алишер Мардиев ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Зиёлилик — инсондаги барча яхши фазилатларнинг уйғунлиги. Эзгу хислатларнинг тугал шаклланидир. Зиёли одам ҳақида гапирсангиз, унга нисбатан барча аъло жиҳатлар — одабийликнинг юксак чўққилари ҳақида бемалол, қўрқмай санайверинг, камингиз кетмайди. Алишер ака Мардиев ана шундай инсон. Раҳбарлик ва зиёлилик, мансаб ва одабийликни маҳкам ушлаган, мулоҳазаси мулзам тортмаган одам. Ақли бут боболаримиздан бири “Одабийликнинг илдизи қаерда?”, деган саволга “Бундай илдиз унинг қалб кўзидадир, қалб кўзи очик одамнинг кўнгли тўқ, нафси чиқ тортган бўлади”, — деб жавоб берган экан. Ҳалиги шогирд ҳам ўз даврининг билонғирликка ўч кимсаси эканми, яна сўрабди:

— Қалб кўзини нима очади?
— Зиё, зиёлилик, — деб жавоб берибди устоз.

— Зиёлиликнинг ўзи нима, содда қилиб тушунтиринг устоз, — дебди ҳалиги шогирд ҳам тихирлик билан.

— Бир бурда нонга, бир коса шўрва ҳамда бир пиёла чойга қаноат қиладиган одам, — дейди устоз жилмайиб. — Шу оддийгина нарсани ҳис этмаслик эса инсон боласининг бошига кўп нарсаларни гирифтор қилади. Ҳалолликнинг ўзаги, дунёнинг моҳиятини англаш шу нарсани тушуниб етишдан бошланади, — деган экан устоз.

Баъзида ўйлаб қоламан, ким билсин, балки Алишер ака ҳам худди ўша қизиқувчан ўғлон каби ўз устозига шундай саволларни берганмикин, деб. Чунки, адолат тарозисини

қўлда тутиш ёзиғига битилган бу инсон эллик йилга яқин вақт мобайнида қонун, бошқарув тизими пиллапояларидан дадил ва ишонч билан юксалиб борди. Чунки, унинг оёғи ердан узилмаган эди. Тўғри, мансаб ва лавозим жиҳатдан юксалиш ё пасайишлар содир бўлгандир, лекин у ҳаёт зина-поясининг ҳар бир бандида инсонийлик жиҳатидан юксалаверди.

Қирқ саккиз йил бўлибди: айни йигирма икки ёшида Пахтачи тумани прокурорининг ёрдамчиси бўлиб иш бошлаган Алишер Мардиев қонун соҳасининг турли масъулиятли мансабларида сидқидилдан меҳнат қилди. Прокурорлик кийим-боши қозилик либосига алмашган кезлари ҳам, вилоят ҳокимиятида биринчи раҳбарга биринчи ўринбосар бўлган чоғларда ҳам, мамлакатдаги энг юқори даргоҳда бўлим мудири, Адлия вазири, вилоят ҳокими, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган паллаларда ҳам Алишер Мардиевга зиёлилик зеб берди, ҳар неки муаммо бор бўлса, мураса-ю мулоимлик тафти билан юмшатди. Шунинг учун ҳам одамлар, ҳа, содда ва бунёдкор, меҳнаткаш элимизнинг ардоғида бўлди. Шу ўринда кези келиб қолди, бир гап айтганимиз, бугун кўрмаганимиз кўргани курсин деган дашномга йўлиққан айрим босар-тусарини билмай қолган “мансабтўра”лар, тагидаги курсининг шамолидан завқ олиб оғзи йиртилиб кетганини ҳам сезмай, ўз қўл остидагиларнинг отаси ҳам, онаси ҳам қолмай ҳақоратлаши, зўр келгандан кейин эса қалтираб-салтираб узр сўраши, кўз ёш тўкиб узрхонлик қилишларини кўриб, бошингга қонинг кўпчиб чиқади, ўл бугунингдан, дейсан. Чин раҳбар одамларни ҳақоратламай бошқаришга ҳаракат қилади, зиёли раҳбарнинг ботинидаги вазминлик ва мулоҳаза унинг қон-қонига сингиб кетади. Дили сиёҳ, қўли таёқ бўлган одамдан раҳбарлик чиқмайди. Бу бизнинг гапимиз эмас, даҳо бобомиз ҳазрат Алишердан, шоиру вазир бобомиздан қолган ақида!

Хуллас, Алишер ака Мардиевнинг улғу ёш билан юзлашиб турган айни паллада туман прокурори ёрдамчилигидан то судья, вилоят суди раиси ўринбосари, вилоят суди раиси, юқори даргоҳда бўлим мудири, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Адлия вазири, вилоят ҳокими, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи каби қатор масъулиятли лавозимларда ишлаб, бу кунни ёруғ юз билан қарши олаётганини ҳис қилиб, кўнглимиздан бир ўй кечади: мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ юксак мартабаларнинг машаққатли меҳнати, ўтиш даври қийинчиликларига матонат билан бардош бериб, бугунги кунда элнинг ардоғи, шогирду сафдошларнинг иззатида бўлиш ҳаммага насиб қилсин. Ҳар бир юрист, ҳар бир мансабдорга Аллоҳим шундай фазилатларни ато этсин!

Алишер Мардиев ҳақида бугун ҳамкасбу шогирдлари, дўстлари юракдан, юзлари қизармасдан чин гапни айтишади:

Халим БОБОЕВ,
Академик:

— Мен Алишер Мардиевни талабалик йилларимиздан яхши танийман. Дўстларига сadoқатли, меҳрибон инсон. Ўқисига чанқоқ. Иштиёқи баланд бўлган. Неки ютуқлари бўлса, ўз кучи билан эришган. Давлат идораларида ишлади, ҳоким бўлди, вазир бўлди. Лекин бу инсонда ҳавола-нишни кўрмадик. Ҳамиша бир хил, тили ва дили бир хил бўлди. Ҳалол, пок яшади. Умри давомида шогирдларига ҳам бунинг сингдирди олди. “Қонун билан ишлайдиган одам қонунни қўллашга ўзи аввало лойиқ бўлиши керак”, — дер эди у. Юридик университетнинг биноси таъмирланиб, мутлақ қайтадан тикланишида Алишер аканинг ўрни катта. Ҳатто “Сайилгоҳ” кўчасининг чиройли қиёфага келишида ҳам ўз ҳиссасини қўшди.



Музраф ИКРАМОВ,
Адлия вазири
Ўринбосари:

— Талабаликни яқунлаганимдан кейин мени адлия оstonасига олиб келган инсон Алишер ака бўлади. Бу инсон ёшларга катта ишонч билдирар эди. Жуда талабчан, бироқ ўта меҳрибон инсон. Ҳеч қачон ўргатишдан чарчамаган. Тўғри йўл кўрсатган. Ҳаётда, ишда шундай намуна кўрсатардики, қайсидир жиҳатларини ўзлаштиришга иштиёқ пайдо бўларди бизда. Ёш бўлганимиз, тажрибасизлик, адашишлар бўлиши табиий. Лекин шундай вазиятларда ҳам бизга босиқлик билан хатоларимизни тушунтирар, келгусида бунинг такрорламасликка ўргатар эди. Алишер акадан катта тажриба ўргандик. Бугун ўз иш фаолиятимизда қўллаяпмиз.

Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазири
Ўринбосари:

— Алишер Мардиев фуқаролар ҳаётига дахлдор бўлган икки муҳим ҳужжат — Конституциямиз ҳамда Фуқаролик кодексининг ишлаб чиқилишида шахсан иштирок этган. Ва, бугунги кунда мазкур ҳужжатлар аҳоли тез-тез мурожаат қиладиган ҳужжатлардир. Алишер аканинг илмий салоҳияти юқорида ҳамкасблар таъкидлаганидек жуда юқори эди. Бу инсон ҳам хислатларда, ҳам фазилатларда, ҳам салоҳиятда ҳуқуқшуносларга ўрнак бўлгулик инсон. Шу сабабли ҳам бугун шогирдлар унинг ҳаёт йўлини ўрганишдади. Ҳавас қилишади.

Ҳар бир инсон кексайганда қадди тик, боши баланд, юзи ёруғ бўлиб ўз ҳамкасб ва ҳаммаслакларини, эл-юрт олқишини олсин! “У одам зўр ишлади, у одам камтар эди, у одам зиёли эди...” деган нисбат ҳар кимга насиб этсин. Ҳозирда Адлия тизимида Жамоатчилик Кенгаши раиси вазифасида ишлаётган Алишер ака Мардиевнинг зиёли деган инсоний рутбаси ёнида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” унвони ҳамда бир қанча давлат мукофотлари — орден-медалларни ярашиб турганини айтмоқчимиз.

Алишер ака, Сизга ёшлар ҳавас қилишади, ҳамкасб дўстлар хизматларингизни очиқдиллик ила эътироф этишади. Энг муҳими шу. Устоз, Сиз яхши биласиз, ёшлар нуруний кексаларимизда ўз кексаликларини, кексаларимиз эса уларда ўз ёшликларини кўришади. Ана шу нурили ришта ҳеч қачон узилмасин. Умрингиз узоқ бўлсин!

Фарзандлар, неварачеваралар роҳати-ю камолини кўринг! Шогирду дўстларингизнинг қадди ҳамиша тик бўлсин! Омон бўлинг, ака!

Ҳурмат билан

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
2-даражали адлия маслаҳатчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

“ШУНДАЙ АЯНЧЛИ ҲОЛГА КЕЛДИККИ, АЙРИМ РАҲБАРЛАР

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар

АДЛИЯ ТИЗИМИ, АЛБАТТА, ЎЗ НАШРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



Сайлаубай МАМБЕТКАДИРОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Адлия вазири:

ГАЗЕТА — ЭНГ ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАНБАИ

— БУГУН қонунчилиги-
мизда янгиликлар, ўзгариш-
лар кўп, ўз вақтида уларни
ўзлаштираман ҳуқуқшунос
каттик адашади. Ҳар бир
ҳуқуқшунос ҳуқуқий маъ-
рифат тарғиботчиси ҳам
бўлиши керак. Бунинг учун
газета энг яхши манба. Га-
зета — энг қулай мулоқот
манбаи. Аҳолига фикримиз-
ни газета орқали айтаман,
адлия тизимидаги янгилик-
ларни газета орқали била-
ман, иш фаолиятимиз ҳам
газетада кенг ёритилади.

Қорақалпоғистон
Республикаси Адлия вазири тизимида байрам кунлари, туғил-
ган кунлари ходимларимизга китоб совға қилиш анъанага айлан-
ган. Ҳар бир ходим бўш вақт топиб, китоб ўқийди, газета мутолаа
қилади. Биз учун “Инсон ва қонун”нинг алоҳида ўрни бор. Ҳар
йили сеvimли газетамизга обуна бўламан. Ишхонада газета ўқи-
ган ходим уйига ҳам китоб ёки газета олиб боради, албатта. Мен
ўқияман, оилам ҳам ўқисин, болам ҳам ўқисин, дейди. Ходим-
нинг кўп вақти ишхонада ўтади. Шунинг учун иш жойида ўқиш
учун муҳит бўлиши керак. Ишхонада, уйда кутубхона бўлса, хо-
дим маърифатли бўлади. Биз ўз газетамизга обуна бўламан.



Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Андижон вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ЎЗ НАШРИМИЗНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

— ХАЛҚИМИЗ
тарихини, барча
воқеа-ҳодисалар ман-
зарасини ўрганишда
асосан иккита манбага
таянаман. Бир вақт
матбуот, иккинчиси
эса — китоб. Очиғи-
ни айтганда, ҳеч бир
манба кундалик ҳаёт-
ни матбуотчалик аниқ
акс эттирмайди.

Тўғри, бугун кўп-
чиликнинг интернет
сайтлари ва ижти-
мий тармоқларга
тобелигини инкор этолмайман. Аммо сайтлару ижти-
мий тармоқлар босма нашрлар ўрнини ҳеч қачон боса
олмаслигини тан олишимиз керак. Ўқимок, фикр қилмок,
ишончли манбага таянмок, тафаккур қилмок мушоҳа-
дали инсон бўлишга ёрдам беради. Шундай экан, босма
нашрларнинг кучи ва ахборотларига доим ишонч билди-
риш керак. Ўзимизнинг профессионал нашримиз “Инсон
ва қонун” газетасига ҳамisha хайрихоҳимиз ва уни севиб
ўқийман. Андижон вилояти адлия идоралари газетани
қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.



Тўлқин ОЧИЛОВ,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

АДОЛАТ ОВОЗИ

— ЗЕРО, матбуот — адолат овози,
ҳақиқат жарчиси дир!

Шу ўринда, қайд этиш жоизки адолат
йўлидаги фаолиятимиз давомида “Инсон ва
қонун” газетаси билан яқин ҳамкорлик йўл-
га қўйилган. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини
ҳимоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари
учун қонун нормаларини халқчил тилда ту-
шунтириш ҳамда фуқароларга ҳуқуқий ёр-
дам бериш борасидаги фаолиятимиз газета
орқали мунтазам равишда ёритиб борила-
ётганлиги, жамиятда қонун устуворлигини
таъминлашда ўз самарасини кўрсатаётган-
лигидан мамнунман. Тизимимиз газетасини
ҳамisha қўллаб-қувватлайман!

“ИНСОН ВА ҚОНУН” БИЗ УЧУН ҚАДРЛИ ГАЗЕТА

— Вақтли матбуот нашрлари — жамият
кўзгуси. “Инсон ва қонун” газетаси эса соҳа-
мизнинг бизнинг кўзгумиз. Бу кўзгуда қонун
ижодкорлиги институти фаолиятдан тортиб,
амалдаги қонунларимизнинг жамиятда нечоғ-
ли ижро этилаётгани, қисқаси, халқимиз ҳаёти,
бизнинг халқ олдидаги хизматимиз акс этади.

Газетамиз биз учун қадрли. Уни севиб ўқий-
ман ва қўллаб-қувватлашга доим тайёремиз.



Хайрулло САБИРОВ,
Наманган вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ГАЗЕТА ЎЗ ЎҚУВЧИСИ БИЛАН ТИРИК!

— ШУБҲАСИЗ, ҳар бир ахборот воситаси ўз ўқув-
чиси билан тирик. Табиийки, нашрлар ўқувчилари ва
мухлисларининг кўплиги уларнинг иқтисодий мус-
тақиллигини ҳам таъминлайди.

Мана, қарийб 10 йилдан зиёд вақт мобайнида ад-
лия тизимида фаолият юритаётган бўлсам, оммавий
ахборот воситалари, айниқса, босма нашрлар билан
ҳамкорликда самарали фаолият юритаётганман. Жумла-
дан, “Инсон ва қонун” газетаси бизнинг яқин кўмак-
дошимиз.

Обуна мавсумида вилоят адлия бошқармаси ва
унинг тизимидаги ходимлардан биринчи галда га-
зетанинг тарғиботини амалга оширишга эътибор
қаратишларини сўрайман. Нега? Чунки, босма нашр-
ларсиз ҳаётимизни тасаввур қилишимиз қийин. Улар
борки, ишончли, ҳақиқат ва профессионал ижод наму-
наларидан хабардор бўлишимиз мумкин. Биз, барча
ҳодимларимиз, албатта, “Инсон ва қонун”га обуна
бўламан.



Салоҳиддин НУРИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:



Акбар АБРАЕВ,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси бошлиғи:

“ТўРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” БИЛАН ҲАМИША БИРГАМИЗ!

— Инсоният ўз тамаддуни мобайнида яратган
энг катта кашфиёт алифбо бўлса, тараққиётни таъ-
минлашнинг бутун жамият ва алоҳида олинган ҳар
бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини
ҳимоя қилишнинг энг мақбул ва узоқ синовдан ўт-
ган воситаси ОАВ бўлиб қолаверади. Ахир, бежиз
бутун дунёда айнан матбуот “тўртинчи ҳокимият”
сифатида эътироф этилмаган!

Жумладан, халқимизни қийнаётган ижтимоий
муаммоларни ёритиб бориш, янги қонун ҳуж-
жатларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини
аҳоли ва кенг омма эътиборига етказиш бораси-
да “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетасининг ҳам
ўрни ва роли бекиёсдир. Тизимимиз ходимлари-
нинг мазкур нашрга обуна бўлиши иш фаолияти-
мизга, албатта, ижобий таъсир этади.



Акрам МУҲАММАДИЕВ,
Тошкент вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ҲАР БИР ЮРИСТ “ИНСОН ВА ҚОНУН”ГА ОБУНА БўЛИШИ КЕРАК!

— Тўғри, кейинги йилларда биз янгиликлар билан
танишадиган ахборот манбалари кўпайди. Лекин ҳаёти-
мизда матбуотнинг, газетанинг ўзига хос ўрни бор. Бошқа
ахборот манбаларида билдирган фикрингиз бир муддат
аҳолига етказилади, холос. Газетадаги ахборот эса, йил-
лар давомида сақланади.

Ҳуқуқшунос ўқимаса, янгиликларни ўз вақтида билиб
турмаса, унда ривожланиш бўлмайди. Ҳар бир юрист кадр
“Инсон ва қонун”га обуна бўлиши керак. Сабаби, бу га-
зета айнан ҳуқуқшуносларнинг наشري, бизнинг нашримиз!

“Инсон ва қонун”да вилоят адлия бошқармалари, ту-
ман адлия бўлимлари фаолиятини ёритишга алоҳида ўрин
ажратилади. Sevimли нашримиз Тошкент вилояти адлия
бошқармаси ва туман бўлимлари фаолиятини ҳам йил
бўйи ёритиб келади. Биз — ҳуқуқшунослар учун мулоқот
минбари бўлаётган газетамизга ҳар йили обуна бўламан.
Бу йил ҳам ҳамкасблар билан “Инсон ва қонун”га обуна
бўлмоқчимиз.

ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИГИ БИЛАН МАҚТАНАДИГАН БЎЛДИЛАР...

қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. 2020 йил)

БИЗ “ИНСОН ВА ҚОНУН” БИЛАН БИРГАМИЗ!



Шокир САИДОВ,
Жиззах вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ГАЗЕТА МУЛОҲАЗА
ЮРИТИШГА ҲАМ УНДАЙДИ

— РУС тарихчиси Василий Ключевскийнинг “Газета ўқувчини билмаган нарсаси ҳақида мулоҳаза юритишга ва тушунмаган нарсаларини билиб олишга ўргатади”, деб айтган гапи, айнан бизнинг газетамиз билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳар бир фуқаро учун билиши муҳим бўлган воқелиқдир. Айнан бу маълумотлар — бизнинг “Инсон ва қонун” газетамизнинг асосини ташкил этади. Демак, биз барчамиз ўзимизнинг газетамизга обуна бўлишимиз керак, деб ўйлайман!



Аъзамжон САРАБЕКОВ,
Навоий вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ГАЗЕТАЛАР СЎЗИ — ЭНГ ИШОНЧЛИ СЎЗ!

— ИНСОН тафаккури доимо газеталарга эҳтиёж сезади. Ҳатто ахборот технологиялари ривожланган, жаҳон интернет тармоғи кенг қулоқ ёзган даврда ҳам. Халқаро сиёсий майдонда “газеталар сўзи” энг ишончли ва жамоатчилик орасида ҳал қилувчи кучга эга. Чунки уларда замон руҳи бор бўй-басти билан акс этади. Маълумотларга назар ташласак, бугунги кунда халқаро даражада нуфузга эга бўлган “Аргументы и факты” газетасининг 30 миллиондан ортиқ тиражда, “The Yomiuri Shimbun” 14 миллион, “Sichuan Ribao” 8 миллион, “TIME” 3,5 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилаётгани дунё аҳли газетадан воз кечмаганини кўрсатиб турибди.

Газеталар мамлакатимиз тараққиёти ва халқаро имиджини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ана шундай нашрлар тоифасига “Инсон ва қонун” газетасини ҳам киритиш мумкин. Бу нашр давлатимиз ҳуқуқий сиёсатининг асосий тарғиботчиларидан бири. Мен ва жамоамиз аъзолари, ўз тизимимиз нашрини кўллаб-қувватлаймиз. Албатта, газетамизга обуна бўламиз.



Жамшидхон НУРИТДИНОВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

“ИНСОН ВА ҚОНУН”
ОИЛАМИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАСИ

— ҲУҚУҚШУНОС сифатида босма нашрларни мунтазам мутолаа қилиб бораман. Айниқса, “Инсон ва қонун” газетаси нафақат ўзим, балки оила аъзоларимнинг ҳам яқин ҳуқуқий маслаҳатчисига айланган.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ҳамда таҳририят ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бошқарма ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан қаноатлантирилган мурожаатлар, амалга оширилган тарғибот тадбирлари тафсилотлари, шунингдек, қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан тайёрланган таҳлилий мақолалар газета саҳифаларида доимий ёритиб борилади. Бир сўз билан айтганда, газета фаолиятимизнинг ёрқин кўзгуси. Биз, албатта, ўз газетамизга обуна бўламиз!



Салоҳиддин САТТАРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

БИЗНИНГ
ГАЗЕТАМИЗ!

— “ИНСОН ва қонун” газетаси бизнинг энг яхши ҳамкоримиз! Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман, шаҳар адлия бўлимлари томонидан амалга оширилган ишлар ва таҳлилий мақолаларнинг “Инсон ва қонун” газетасида мунтазам ёритилиши бизни газетамизга янада яқинлаштирди. Шундай экан, ўзим шу газетамизга обуна бўлдим. Барча ҳамкасбларимни ҳам шунга даъват этаман!



Ойбек МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ЎЗ НАШРИНИ ЎҚИМАГАН
ХОДИМНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА
ФАОЛ ДЕЯ ОЛМАЙМИЗ

— ИЖТИМОЙ ҳаёт тарзимизда газета ҳақида фикр алмашинар экан, энг аввало, газетанинг буюк кашфиётлардан бири эканлигини тан олишимиз лозим. Қолаверса, газетанинг бугунги тараққиётда ўрни бекиёсдир. Қисқарок, лўндарок айтганда, газета бу — сиёсат, ғоя, мафкура, маърифат...

Шунингдек, давлатнинг сиёсатини одамларга, одамларнинг хоҳиш-иродасини давлатга, ҳокимиятга етказадиган воситадир. Шунинг учун унинг кўп тарқалишидан давлат ҳам, жамият ҳам, таҳририят ҳам манфаат кўради.

Маълумки, қисқа фурсатлар ичида босма нашрларга обуна мавсуми бошланади.

Айтмоқчиманки, ўқитувчи бўла туриб “Маърифат”ни, сиёсий партия аъзоси бўла туриб, партия нашрларини, фермер бўла туриб “Қишлоқ ҳаёти”ни, адлия ходими бўлиб, “Инсон ва қонун”ни ўқимаган кишини ижтимоий ҳаётда фаол, дея олмаймиз. Шундай экан биз, албатта, ўз нашримизга обуна бўламиз.



Ўрал ОСТАНОВ,
Қашқадарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

ИШНИ ГАЗЕТА ЎҚИШДАН
БОШЛАЙМАН

— БУГУН орамизда мана, телефон, янгиликларни шу ердан ҳам ўқиб олавераман, дейдиганлар ҳам кўпайиб қолди. Лекин газета ёки китоб ўқимаслик саводсизлик чоҳи сари етаклашини бугун барчамиз англаб етишимиз керак. Ахир, интернет технологиялари ривожланган давлатларда ҳам газеталар миллионлаб нусхада чоп этилаётти-ку. Очиғи, ижтимоий тармоқлардаги имловий хато, бир ёқлама талқинларни, баъзида ноҳолис ёндашилган мақолаларни ўқиб, улар оммани чалғитаётгани, саводсизликка бошлатганини англаймиз.

Илгари кўча-кўйда китоб ёки газета кўтариб, ўқиб кетаётган одамларни кўп учратганмиз. Энди эса бу ҳолатни камдан-кам кўраяпмиз. Тўғриси, интернет баҳонасида одамлар газетадан узоқлашди. Бунинг салбий оқибатлари анчагина. Оиламиз учун мутолаа бизга бегона эмас. Бошқармамиз кўллаб газеталарга обуна бўлган. Эрталаб ишга кириб келишим билан энг биринчи қиладиган ишим — газеталарни кўздан кечириш.

Мен барча ходимларимизни ўз соҳасининг нашри — “Инсон ва қонун” газетасига обуна бўлишга чақирган бўлардим.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ?



“Ишонч телефони”га келиб тушаётган мурожаатларга жавоблар

1008

МЕҲНАТ кодексининг 77-моддасига биноан ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслик ҳолатлари кўрсатиб ўтилган.

Қуйдагилар ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади:

- Меҳнат кодексининг 6-моддаси биринчи қисми талабларининг бузилиши (Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига йўл қўйилган меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади);
- иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;
- иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини ваҳ қилиб) ишга қабул қилмаслик;
- муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

ИШ БЕРУВЧИ ХОДИМНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТГАНЛИГИ БЎЙИЧА НЕЧА КУНДА ХАБАРДОР ҚИЛИШИ КЕРАК?

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул

қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

ИШ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ БЎЙИЧА

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарорига мувофиқ вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб бериши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назорат олиб борувчи ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жазолашгача жавобгарликка тортиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ: МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Меҳнат шартномаси қуйдаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
- 2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- 3) муддатнинг тугаши билан;
- 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида бу шартнома иш

берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек, қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин.

6) янги муддатга сайланганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ХОДИМНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга

сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда Меҳнат кодексининг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг неустойка тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ИШ БЕРУВЧИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қуйдаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

- 1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;
- 2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолиши;
- 3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;
- 4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ноҳўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди;

7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

ТЕЛЕФОН
ЎФРИСИ

НА ишининг, на ўқишининг тайини йўқ Боймирза (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўчада тентираб юриб, компьютер клубига кўзи тушиб қолди. Бошини шу клуб томонга бурди. Ичкарига кириб бўш турган компьютер қаршисига келиб ўтирди. Бироз компьютерда ўйин ўйнагандек бўлди-да, ёнида ўтирган Жонибекнинг стол устида турган қўл телефонига кўзи тушиб, фикри бузилди. Ва ўзи-ча шундай деб ўйлади: “Бекор ўйин ўйнагандан кўра, пул топишни ўйласангчи”...

Боймирза ўйлаган режасини амалга ошириш учун ишга киришди. У Жонибекдан қўл телефони бериб туришни, кимгадир кўнғироқ қилиб олишини илтимос қилди. Ўйинга берилиб кетган Жонибек телефонини сўраган Боймирзанинг юзига ҳам қарамади, олдида турган телефонни унга томон суриб қўйди. Вазиятдан унумли фойдаланган Боймирза телефонни олдида, ташқарига чиқди. Қўлга киритган “ўлжа”-сига бироз разм солди, кейин яқин манзилда жойлашган бозорга қараб кетди.

Бозорда “ғойибдан” келган телефонни харидорнинг сўраган нархига сотиб юборди. Белни бақувват қилиб олган Боймирза яна компьютер клубга кириб борди. Бўлган воқеадан

хабари йўқ Жонибек телефони-ни Боймирзага бериб тургани эсига тушиб, ундан телефонини қайтаришни сўради. Боймирза эса, телефонни гаровга қўйиб келганини, икки-уч кунда пул топиб телефонини қайтаришини айтади. Чорасиз қолган Жонибек кутишга рози бўлади.

Орадан икки-уч кун ўтмасдан Боймирза худди ўша компьютер клубда иккинчи “ўлжа”сини қўлга киритди. Бу сафар Боймирзанинг тузоғига Абдурахим илдинди. Боймирза бунда ҳам самарали биринчи усулини қўлади. Абдурахимдан телефонини бир зумга бериб туришни сўраб, уч соат йўқ бўлиб кетди. Шу орада телефонни мўмайгина пулга ҳам сотишга улгурди. Қайта-қайта кўнғироқ қилаётган Абдурахимга эса, мана бораяп-

ман, ана бораяпман, дея жавоб беришдан чарчаб телефонини ҳам ўчириб қўйди.

Хуллас, Жонибек билан Абдурахим кўча тили билан айтганда “ухлади”. Жабрдийдалар милиция пунктига мурожаат қилишди. Алал оқибат мазкур иш судгача етиб борди. Телефонидан айрилганлар кўрган зарар Боймирза томонидан тўлиқ қоплаб берилди. Боймирзанинг ўзига эса ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Боймирзанинг боши қотди: “Бел оғритмай пул топишни билибману охирида бунинг жабрини тортишни билмабман”, деган ўй унга тинчлик бермасди.

АСЛИ қорақалпоғистонлик бўлган Гулбаҳор Ибрагимова (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам судланган бўлса-да, хулоса чиқармади. Устига-устак эри билан ажрашди. 2020 йил ноябрь ойида Юнусобод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникага борганида бир қоғозга кўзи тушади. Қоғозда телефон рақам, исм-шариф ёзилган эди. Ўқиб кўрса, қоғозда аёл эгиз фарзанд кўрганлиги ёзилган, шунингдек, у ҳақда маълумотлар келтирилган экан. Шунда Гулбаҳорда ғаразли ният пайдо бўлиб, собиқ эри билан яшаш мақсадида ундан эгизак фарзанд кўрганлигига ишонтирмоқчи бўлди. Қоғозда кўрсатилган телефон рақамига кўнғироқ қилди.

Қилмиши
Қора Кимсалар

— Республика эгизак фарзандга эга бўлган аёлларга ёрдам пули ажратиш комиссиясининг аъзосиман, — дея ўзини таништиради Гулбаҳор. — Сизга моддий ёрдам ажратамиз, фарзандларингизнинг ҳужжатлари тайёр. Уларни комиссиядан ўтказишимиз керак. Бунинг учун эгизакларни чиройли кийинтириб, фотосуратга олиб, менинг телеграммимга ташланг. Унинг гапига ишонган аёл айтганларини тўлиқ бажарди. — Айтгандай, чақалоқлар билан тайёр тулинг, — тайинлади Гулбаҳор яна. — Комиссияга борамиз.

Гулбаҳор вояга етмаган ўғли бошқарувидаги “Ласетти” автоуловиди белгиланган манзилга борди. Йўл-йўлакай Гулбаҳор университетлардан бирида таҳсил олувчи жияни Гўзални ҳам ўзи билан бирга олди. Улар кўп қаватли уйлардан биридаги хонадонга кириб, аёл ва унинг эгизакларини олиб, машинага ўтиришди. Поликлиникага яқинлашгач, Гулбаҳор ҳалиги аёлга тайинлади:

— Сиз тўртинчи қаватга чиқиб кутиб тулинг, ҳеч ким билан гаплашманг. Мен чақалоқларни орқа эшиқдан олиб кираман.

Алданган аёл тўртинчи қаватга чиқиб кетади. Бу пайтда Гулбаҳор Ибрагимова автоуловда қолдирилган чақалоқлар билан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган ресторанлардан бири томон йўл олади. Чақалоқларнинг бирини ўзи, иккинчисини жияни Гўзал кўтариб, ичкарига киришади. Дастурхон атрофида уларни собиқ турмуш ўртоғи ва яна бир таниши кутиб туришганди.

— Мана, сизнинг эгизак фарзандларингиз, кўринг.

Улар анча вақт суҳбатлашишди. Гулбаҳорнинг нияти эгизак фарзанд кўрганлигини баҳона қилиб эри билан ярашиш эди. Гулбаҳор собиқ эридан рад жавобини олгач, жиянига чақалоқларни онасига олиб бориб беришни тайинлайди.

Гулбаҳорнинг ўғли ва жияни поликлиникага келишса, чақалоқларнинг онаси ички ишлар органларига хабар қилганлиги маълум бўлади.

— Хола, ўғлингизни ички ишлар ходимлари олиб қолишди, тезроқ келинг...

Ғараз ниятда қора ишга қўл урган Гулбаҳор Ибрагимова ва унинг талаба жияни Гўзал ҳам қўлга олинди.

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда айбига икдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, аёл кишилигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Гулбаҳор Ибрагимова икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилди, талаба жиянига эса, уч йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Баъзида бўлса-да, аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик кишини ўйга толдиради. Бириси етишмовчилик деса, иккинчиси билмай қолибман, дейди. Тўқис оиланинг бекалари ҳам турли баҳонани рўқач қилишади. Нима бўлганида ҳам, улар кўрсатган сабаблар жиноятга етакламаслиги керак.

Абдуллажон МУҲИДДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Юнусобод туман суди
судьяси

“ЎРГАНИБ ХАТО ҚИЛДИМ”

Убайдулла (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ётиб, хаёлга берилди. Бир йил аввал яқин таниши билан уйига яқин жойдаги далада ўсиб ётган ёввойи “наша” ўсимлигини қуритиб чакканди. Ўшанда ўзини бошқача “ҳис” қилганди. Унинг кўнгли яна ўша ўсимликдан истеъмол қилишни тусаб қолди.



У ўша таниш далага борди. Атрофга разм солар экан, баттар хумори тутди. Кейин ўша ўсимликни қидириб топди. Ўша ернинг ўзида “нафси”ни қондириб олди. Убайдулла бора-бора унга “кўнгил” қўйди. Оғуни истеъмол қилишни кунлик одатга айлантирди.

Кунларнинг бирида Убайдулла ишга бориш учун таксига чиқди. Сўнгги вақтларда ўзига “суянчиқ” бўлиб қолган “ўт”нинг тайёридан чўнтагига солволди. Шаҳар четдаги на-

зорат постидан ўтаётган такси йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари томонидан тўхта-тилди. Улар таксида йўловчи сифатида кетаётган Убайдулладан машинадан тушишни сўради. Убайдулланинг бу таклифдан ранг-рўйи оқариб, оёқ-қўллари ўзига бўйсунмай қолди...

Суд кимёвий эксперти-засининг хулосасига кўра, Убайдулланинг ёнидан чиққан ўсимлик таркибида фаол гиёҳванд модда — тетраги-

дроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “гашиш” деб атала-ши аниқланди.

Суд жараёнида Убайдулла ўзини оқлаш учун ўзи истеъмол қилиб келаётган ўсимлик моддаси гиёҳванд модда эканлигини билмаслигини, уни бирон кишига ўтказиш ёки тарқатиш нияти йўқлиги каби важларни келтирди.

Аммо, Убайдулла қилган ишидан минг пушаймон бўлмасин, суд ўз ҳукмини ўқиди. У тегишли жазога тортилди.

Мирзиёд АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси
Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



МИРИШКОР туман адлия бўлими томонидан Адлия вазирлигининг “Фермерга мадад” ҳуқуқий акциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси”га асосан фермерларга ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Туман ҳудудида адлия бўлими томонидан фермер хўжалиги раҳбарлари, ишчи-хизматчилари иштирокида сайёр қабуллар ўтказилиб, уларнинг муаммоларини бартараф этиш

чоралари кўрилмоқда. Хусусан мазкур ҳуқуқий акция доирасида ўқазилган сайёр учрашувда тумanning “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бир гуруҳ фермер хўжаликларининг хорижий “Litae textile overseas” кластери томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари билан боғлиқ муаммолари борлиги учун, фермерларга иш ҳақлари ва чопиқ пуллари ўз вақтида тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб йўллаган

мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида адлия бўлимининг аралашуви билан “Litae textile overseas” масъулияти чекланган жамият хорижий корхонаси томонидан янгиободлик фермер хўжаликларига жорий йилнинг ҳосили ҳисобидан жами 626 миллион 908 минг 300 сўм иш ҳақи маблағи тўлаб берилишига эришилди.

Ақбар АШУРОВ,
Миришкор туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармонининг 13-банди ижроси юзасидан Янгибозор туманидаги давлат органлари ва ташкилотларида туман адлия бўлими томонидан мониторинг ўтказилди.

ВАЗИФА ЮКЛАТИЛГАН,

ИШ ҲАҚИ ЭСА ТЎЛАНМАГАН

Мониторинг натижасида туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимининг 2021 йил 4 январдаги буйруғи билан У.Яхшимуратовга қўшимча “Спорт тарғиботчиси” вазифаси юклатилган бўлса-да, жорий йилнинг январь-апрель ойлари учун ҳисобланган 974 минг 479 сўм миқдоридаги иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича бўлим томонидан фуқаро У.Яхшимуратовнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига ариза киритилиб, суднинг буйруғи асосида унга 974 минг 479 сўм ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Сардор ЯВҚАЧЕВ,
Янгибозор туман адлия бўлими бошлиғи



ТОШКЕНТ

ФУҚАРО Р.Усманова Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Юнусобод туман бўлими айби билан тўланмаган пенсия пулини ундириб беришда амалий ёрдам сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилди.



ПЕНСИЯ СУД ОРҚАЛИ УНДИРИЛДИ

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, фуқаронинг манфаатини кўзлаб жавобгар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимига нисбатан фуқарога 2019 йил январь-июль ойлари учун ҳисобланган, бироқ пенсия жамғармаси айби билан тўланмаган пенсия пулини ундириб бериш масаласида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Мазкур даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, фуқаро Р.Усмановага жами 10 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги пенсия пули ундириб берилди.

Ирода ХАЙРУЛЛАЕВА,
Юнусобод туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



СИРДАРЁ

ГУЛИСТОН шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари лавозимида ишлаётган Мурод Кўпайсинов тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг 2021 йил 10 апрелдаги буйруғига асосан пандемияга қарши штаб бошлиғи бўлиб ишлаб келса-да, иш ҳақида нисбатан қўшимча 6 фоизлик тўлов тўланмаган. Бундан норози бўлган М. Кўпайсинов шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мазкур аризани ўрганиш жараёнида тўпланган ҳужжатларга асосан, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманларо судига даъво аризаси киритилиб, Кўпайсиновга 2021 йил 6 августдаги суд буйруғи-

га асосан жорий йилнинг апрель-май ойлари учун қўшимча 6 фоизлик иш ҳақи 3 миллион 892 минг сўм ундириб берилди.

Шунингдек, худди шу тартибда 2021 йил 6 августдаги суд буйруғи асосида шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника мудири А.Давлатовга 3 миллион 730 минг 750 сўм, шифокор О.Сулаймановага 3 миллион 360 минг 500 сўм, тиббиёт ҳамширалари М.Мирзараимовага 3 миллион 190 минг сўм, Ш.Бобожоновага 2 миллион 335 минг сўм пул маблағлари ундирилди.

Назар ҚАРШИБОВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи



НАВОЙЙ

15 нафар
фуқаронинг
иш стажи тикланди

КОНИМЕХ туман адлия бўлими томонидан маъмурий судга даъво аризалари киритилган эди. 15 нафар фуқаронинг иш стажини тиклаш билан боғлиқ аризалар сайёр тартибда ўтказилган суд мажлисида кўриб чиқилди.

Меҳнат кодексининг 81-моддаси, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 42-моддаси ва “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 80-банди ҳамда Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 44-сонли қарорининг 23-бандига биноан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий

ҳужжат ҳисобланиши кўрсатилган. Архивга иш ҳақи тўғрисида маълумотномалар тақдим этилмаган ҳолатда юқоридаги қонун ҳужжатларига асосан, меҳнат дафтарчаси орқали иш стажини тиклаш имконияти мавжуд.

Шу асосга кўра, Навбаҳор туманлараро маъмурий судига киритилган даъво аризалари қаноатлантирилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Конимех туман бўлими фуқароларнинг иш стажларини инобатга олиши зарурлиги бўйича қарор қабул қилинди.

Нурали ИСРОИЛОВ,
Конимех тумани адлия бўлими бошлиғи



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ШИФОКОРГА УСТАМА ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

НУКУС шаҳрида яшовчи фуқаро А.Т.нинг иш жойидан устама пули тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро А.Т. ҳамда Нукус олимпия захиралари коллежи ўртасида 2013 йил 1 февраль куни меҳнат шартномаси тузилган. У коллеж директорининг буйруғига асосан шифокор лавозимига ишга қабул қилинган ва ҳозирда ҳам ишлаб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги 480-сонли қарорининг 5-қўшимча билан тасдиқланган “Олимпия захиралари коллежларининг айрим тоифадаги ходимларига меҳнатига ҳақ тўлов тартиби ҳақида”ги Низомнинг 3-бандида, Олимпия захиралари коллежининг айрим ходимларига, тре-

нер-ўқитувчиларга ушбу Низомга мувофиқ қўшимча ҳақ ва устамалар белгиланган, деб кўрсатилган.

Низомнинг 5-бандида, агар спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи турли спорт ютуқларига эга бўлса, олимпия захиралари коллежининг айрим ходимларига, ушбу ўқувчи учун ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланган устаманинг энг юқори миқдори қўлланилади, дейилган.

Бироқ, шифокор А.Т.га коллеж директорининг 2020 йил 30 сентябрдаги буйруғига асосан Низомнинг 7-бандидаги “директор ўринбосарлари, катта инструктор-методист, инс-

труктор-методист, тиббиёт пункти ходимларига устама ҳақ белгилашда тайёрланган спорчилар учун тўпланган умумий фоизлар ходимларга бўлиш орқали бевосита ўқувчини тайёрлашда қўшган ҳиссасига қараб директор томонидан белгиланади” деган талаб асос қилиб олиниб, устама пули тўлаб бериш 2020 йил сентябрдан вақтинча тўхтатилган.

Ваҳоланки, бу талаб — ходимларга устама ҳақ белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сонли қарорига асосан, 2020 йил 19 ноябрдан бошлаб коллеж директори вакил-

лигидан чиқарилган.

Шунга қарамасдан, коллеж маъмурияти томонидан 2020 йил сентябрь ойдан бошлаб бугунги кунга қадар шифокор А.Т.га устама пули тўланмаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича коллеж директори номига тақдимнома киритилди. Коллеж шифокорига тўланмай қолган 17 миллион 207 минг 33 сўм устама пули тўлаб берилди.

Есенгелди УТЕПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими